

ГРАММАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМ ОЛИШ МУСТАҚИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

Утаева Ирода Баходировна

Гулистон давлат университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ўқув мустақил таълим жараёнида талабаларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришида грамматик тушунчаларни ўзлаштириш ва такомиллаштириш борасидаги педагогик-психологик муаммоларни ҳал этиш доимий долзарб ҳисобланган масалага бағишланган.

Калим сўзлар: талабалар, грамматик тушунчалар, мустақил таълим, коммуникатив мулоқот, модел.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросу решения педагогико-психологических проблем усвоения и совершенствования грамматических понятий в развитии коммуникативных способностей учащихся в процессе самостоятельного обучения.

Ключевые слова: студенты, грамматические понятия, самостоятельное обучение, коммуникативное общение, модель.

ABSTRACT

This article is devoted to the issue of solving pedagogical and psychological problems of mastering and improving grammatical concepts in the development of students' communicative abilities in the process of independent learning.

Keywords: students, grammatical concepts, independent learning, communicative communication, model.

КИРИШ

Жаҳон таълим муассасаларида мустақил таълим асосида талабаларнинг грамматик компетенцияларини ривожлантириш креатив модули механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. АҚШ, Россия, Япония, Корея, Англия ва Германияда турли соҳа мутахассисларининг хорижий тилларда ўз касбий соҳаларида эркин мулоқот юрита олишлари, хорижий тилларни ўқитишни касбий компетенциялар орқали ривожлантириш, ўқув дастурлари уйғунлигини шакллантириш, йирик амалий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда ахборот муҳитини кенг жорий қилиш, талабаларда эркин ва мустақил фикрлаш, ижтимоий фаоллик каби сифатларни ривожлантириш, хорижий тилларни ўзлаштирган, мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтиришга қаратилган меъёрий хужжатлар яратилмоқда. “Мамлакатимизда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида иккита тилни мукамал билишлари, тил ўргатувчи видеодарслар, фильм ва кўрсатувлар яратиш, электрон дастурлар ишлаб чиқиши кераклиги” [1] устувор вазифалар этиб белгиланди. Натижада, грамматик саводхонликни билиш даражасини ошириш асосида чет тилини ўргатишни такомиллаштириш шарт-шароитлари кучайтирилди.

Ўқув жараёнида мустақил таълим талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш доимий долзарб ҳисобланган масала ҳисобланади. Шу боис, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мустақил фикрлайдиган, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими акс эттирилган [2]. Шунингдек, мазкур муаммоларни тизимли ҳал қилиш борасида республикада ҳуқуқий меъёрий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли [3] фармонида ҳам халқаро таълим стандартларини жорий этиш ва таълим сифатини баҳолаш асосида олий таълим муассасалари фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, олий таълим муассасаларида тилларнинг фанларга интеграллаштирилган ҳолда ўргатиш имконияти кенгайтирилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасалари ўқув жараёни мутахассисларни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг маълум касбий билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш шароитида талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш бўйича ҳар томонлама тизимли иш олиб боришни талаб этади. Олий таълимда кўплаб маълумотлар сиғимини эгаллашга, самарадор, ижодий тафаккурни шакллантиришга, шахснинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, мантиқий таҳлил ва маълумотларни ҳар томонлама қайта ишлашга бўйсундириш лозим.

Мутахассислар тайёрлашда замонавий талабларга биноан таълим жараёнини ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири талабаларнинг


мустақил ўқув фаолиятини фаоллаштириш ҳисобланади. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги каби хислатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Чет тилини ўқитишда грамматиканинг ўрни ва роли масаласини ҳал қилишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Объектив равишда шундай ҳолат мавжудки, одам доимо қоидаларга, яъни қоидаларда тилнинг маълум қонунларига мувофиқ гапиради. Нотиклар ҳар доим ҳам бу қоидалардан хабардор эмаслар: саводли ва саводсизлар бир хил қоидаларни гапиришади, гарчи саводхонлик даражаси ҳар хил бўлса ҳам. Грамматика луғатни тартибга солади, у бутун тилга киради. Бу барча сўзлар, нутқ сўзлари ва матнлар сақланадиган скелетдир. Грамматик тузилмалар ёрдамида фикрнинг энг наздик жиҳатларини етказиш мумкин бўлади.

Грамматик машқларнинг қуйидаги таснифи мавжуд: алмаштириш машқлари, ижодий машқлар, дизайн ишлари, схемалар бўйича машқлар (“лабиринтлар”), модел бўйича машқлар, ролли ўйинлар, мини диалоглар (жуфтликда ишлаш).

Янги грамматик материалдан мустақил фойдаланиш учун машқлар: бир шаклни бошқасига айлантириш учун машқлар, грамматик шаклнинг расмлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Шунингдек, модель қоидаларни олий таълим муассасасида талабаларнинг грамматик амалиёти соҳасига проекциялаш саналади. Моделнинг схематик тақдим қилиниши натижаси – талабаларнинг мустақил таълимга тайёргарлигига эришишда барча компонентларнинг мазмуний ва тузилмавий ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб бериш имконини яратади. мустақил таълим жараёнида грамматик компетенцияларни ривожлантиручи амалий модел жараёнини ҳам кўздан кечирамиз.



1-расм Мустақил таълим жараёнида грамматик компетенцияни ривожлантирувчи амалий модел.

Мустақил таълим олишга ундовчи хусусиятлар мустақиллик, фаоллик, қизиқувчанлик ва креативлик талабанинг мустақил ишлашга ва келажакда етук

мутахасис бўлиб ишлашга ундовчи жихатлардир. Шунингдек педагогик жараёни бошқариш бошқичлари методологик ёндашувлар яни фаолиятли ёндашувда талабанинг ўз-ўзини аниқлаш муаммоси олдинга чиқади, компетенциявий ёндашувда эса талабанинг билими – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш, кўникма – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллаш олиш, малака – ўрганилган билим ва шаклландирилган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш ва янги билимлар ҳосил қилишни белгилайди. Бундан ташқари, грамматик компетенция ривожланишининг методик асослари мазмун (ДТС, малака талаблари), шакл (грамматика, мустақил таълим, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув ва ўқиш), методлар (ананавий ва ноананавий), воситалар (матнли воситалар, тасвири воситалар, ёрдамчи воситалар) талабанинг касбий жихат тайёргилиги муқаррардир. Мустақил таълим жараёнида грамматик компетенцияларни ривожлантирувчи инновация технологиялар (Инсерт, Синквейн, кластер, диаграммалаш, лойиҳалаш, jigsaw) асосида грамматик компетенция фаолиятни ривожлантириш жараёни тажриба синов жараёнида қўлланилган ва ўз самарадорлигини кўрсатган.

Чет тили ўрганишда она тилининг салбий таъсири айниқса, репродуктив кўникма ва намуналарни шакллантириши ва ривожланиши яққол намоён бўлади. Она тили ва чет тили грамматик ҳодисаларнинг маъносини ва қўлланилишини таққослаш асосида қуйидаги грамматик ҳодисаларни фарқлаш мумкин.

1. Маъно ва қўлланиш жиҳатидан иккила тилда ҳам мос келадиган грамматик ҳодисалар масалан, сифат даражаларида.

2. Маъно, ҳажм ва қўлланиши жиҳатдан она ва чет тилларида мос келмайдиган грамматик ҳодисалар, масалан, сўз тартиби, феълнинг ҳозирги замонда тусланиши отларнинг турланиши ва бошқалар.

3. Факт чет тилига хос бўлган грамматик ҳодисалар, масалан, артикл, предлог, грамматика, род.

4. Она тилига хос бўлган грамматика ҳодисалар. Чет тилига грамматик материални яна 2 хил усул билан тақдим этиш мумкин. Бу усуллар қуйидагилар.

1. Лексик усул

2. Моделлар ёрдамида.

Лексик усул билан тилда кам учрайдиган грамматик ҳодисалар тушунтирилади. Бу усулга кўра талабалар конкрет грамматик ҳодисалар билан

таништирилади ва бу ҳодисаларни таржимаси, маъноси ва қўлланилиши кўрсатилади.

Моделлар ёрдамида грамматик ҳодисани тушунтириш методикада кенг тарқалган усулдир. Модел деганда ўрганилаётган тилнинг фонетик, лексик ва грамматик нормалар талабларига жавоб берадиган шартли ишоралар билан ифодаланган ва муомаланинг потенциал, абстракт, энг кичик берлигини назарда тутди. Шундай қилиб, модел деганда тил бирликларининг шартли ишоралари ёрдамида ифодаланишини тушуниш мумкин. Синтактик модел асосига маълум жумла структураси андоза бўлади. Синтактик модел эга ва кесим муносабатининг шартли равишда ифодаланган ишоралари ҳисобланади. Грамматик материални тақдироти қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) янги грамматик материалларни тушунтириш.
- б) тушунганлигини назорат қилиш.
- в) таниш ва ифодалашга оид дастлабки машқларни бажариш.

Янги грамматика материални тушунтириш жараёнида унинг қуйидаги 3 томонига эътибор бериш лозим Грамматик шакли (форма) Грамматик маъно Грамматик ҳодисани қўлланилиши.

Рецептив грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан кўзланган мақсад ахборотни қабул қилиш ва тушунишга хизмат қиладиган барча ишора ва кўрсаткичларни танитиш ва фарқ қилишга ўргатишдан иборатдир. Ўқишни ўргатишда грамматик шакл асосий ролни ўйнайди. Грамматик шаклни фарқлай олмай туриб ёзма нутқни идрок қилиш ва унинг мазмунига тушуниш мумкин эмас. Ўқишни ўргатиш жараёнида грамматик ҳодисаларга эътиборни қаратиш қуйидагича амалга оширилади.

1. Грамматик ҳодисанинг белгилари талабаларга тушунтирилади.
2. Тушунтирилган грамматик ҳодисани маъноси ҳақида тушунча берилади.
3. Мазкур грамматик ҳодисанинг аноним ҳодисалардан фарқи кўрсатилади.

Рецептив грамматик кўникмаларни шакллантиришда кўмакчи сўзларни бўлиши катта аҳамиятга эга. Бундай сўзларга артиклар, предлоглар, боғловчилар, юкламалар киради рецептив грамматик материалларга оид қоидаларни изохлаш ҳамма вақт комплексли, қўлланиши керак бўлган лексика билан боғланган бўлиши лозим. Грамматик билимларни кўникма ва малака даражасига етказиш талабадан кўплаб машқ бажаришни тақозо этади. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришга оид машқлар икки гуруҳга

- а) тайёрлов
- б) нутқ машқларига бўлинади.

Нутқ машқларига нутқ фаолиятини турларида бажарилган машқлар киради. Бундай машқлар нутқ малакаларини ривожлантириш учун хизмат қилади.

- Расмдаги вазиятни ўтган замонда тасвирланг;
- Текстни тингланг ва қаҳрамонларни хулқини баҳоланг.

Э.И. Пассовнинг таъкидлашича, нутқ фаолияти уч қисмга эга: семантик (лексик), структуравий (грамматик) ва талаффузга оид. Улар нутқ жараёнида узвий боғлиқдир [4; 14-б.]. Шу сабабли, нутқ машқларини талабалар ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириш билан шуғулланадиган аудиторияларда бажаришади. Шундай қилиб, грамматик тушунчани шакллантириш функцияси фақат ўқитувчи билан боғлиқ деб қаралади. Талаба таълимнинг субъекти бўлишни тўхтатади.

2. Мавжуд тўпламлардаги фойдаланиш имкони принципига фақатгина расмиятчилик учунгина амал қилинади. Тўпламларнинг аксарияти маълум бир босқични, савод даражасини акс эттиради. Шу билан бирга, талабалар гуруҳларида билим даражасида катта фарқ бор. Ю.Голицинскийнинг биз таҳлил қилган ягона грамматик машқлар тўпламида ҳар бир мавзу учун ата-секин мураккаблашиб боровчи машқлар мавжуд бўлиб, бу унинг тилга ихтисослашмага университетларда машҳур бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

3. Кўпгина грамматик тўпламларда бир хиллик мавжуд бўлган репродуктив машқлар одатда алмаштириш қондасига қурилган.

Шуни таъкидлаш керакки, хорижий услубиятда exercise (машқ) атамаси салбий коннотация билан ва activity (фаолият) task (вазифа, топширик) [5; 127-б.] атамаларига қарши ишлатилади.

Ўқитувчининг вазифаларидан бири, моделга кўра, талабаларнинг англаш-ўрганиш эркинлигини ривожлантириш учун ахборот ва услубий ёрдам яратишдир. Шу сабабли, тажриба синов ишида биз грамматика бўйича мустақил иш учун топшириқларнинг манбаи сифатида талабаларнинг мавжуд дарсликлари билан бир қаторда ўзимизнинг “English” номли ўқув қўлланмадан фойдаланганмиз ва унда грамматик тўпламлар учун шаклланган талабларни инобатга олишга ҳаракат қилганмиз.

Аудиторияда ва аудиториядан ташқари ишларда талабаларнинг ўқув фаолиятининг ташкилий кўникмаларини ривожлантириш биринчи курс талабаларининг университетдаги ўқитиш шартлари, шакллари ва вазифаларига мослашувининг мураккаблиги билан изоҳланади.

Чет тилини ўрганиш соҳасида мустақил иш шароитида талабанинг шахсий соҳасига таъсири ривожланиш ҳолати билан таъминланиши мумкин, унинг эса самарали ўқув фаолияти учун белгилаб берувчи хусусиятлари куйидагилардир: 1) талабанинг тилчи шахс сифатида ўзлигини белгилаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун ҳақиқий шарт-шароитларни яратиш; 2) талаба учун шахсий аҳамиятга эга бўлган контекстни самарали фаолият учун моделлаштириш; 3) нутқ алоқаси маҳсули сифатида тилнинг ўзи ва матнининг муаммоли табиатидан фойдаланган ҳолда “излаш учун” муаммоли ижодий вазифани шакллантириш (маъно ва маънони талқин қилишнинг ва реализация қилишнинг муаммолилиги); 4) таълим фаолиятининг рефлексив ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини бошқариш учун таянч; 5) таълим фаолиятининг барча субъектларини ҳамкорлик ва ўзаро яратувчанликка киритиш [89; 67-б.].

ХУЛОСА

Умуман олганда, ўргатиш жараёнида билим, кўникма ва қобилиятларнинг умумий тузилиши уларнинг ортиб бораётган умумлаштириш, қисқартириш ва камроқ назорат қилиш йўналишлари бўйича ўзгаради. "Дикқат ҳаракат усулларини идрок қилишдан ҳалос бўлади ва асосан вазиятга ва ҳаракат натижаларига ўтказилади». Мустақил билим олиш фаолияти талабанинг бошқа талабалар билан, ўқитувчи билан умумлашган ҳаракат усулларини ўзлаштиришга қаратилган шахсий шартланган, фаол, мақсадга мувофиқ ўзаро таъсири-бу жараённинг барча қисмларида турлича мослашувчанлик ўлчови билан назорат қилиниши лозим бўлган ўзаро таъсирдир.

Талабаларнинг мустақил билиш фаолиятининг натижаси бўлиб тугалланган ўқув вазифалари асосида эгалланган билим, кўникма ва малакалар ҳамда мустақилликни шакллантириш даражасини ошириш ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 6-май куни чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши нутқидан.
2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2020 йил 23 сентябрь: <https://lex.uz/docs/5013007>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

-
4. Пассов Е.И. Сорок лет спустя или сто и одна методическая идея. - М: ГЛОССА-ПРЕСС, 2006,-240 с
 5. D.Coste, B.North va J.Trim. Common Yeuropen Framework of reference for languages: Learning, Teaching, Assessment: Language Policy Unit // Council of Yeuropen/ - Chapter 6/ - Strasbourg, 2001. Available online: http://www.coe.int/t/dg4/Linguistic/Source/CEFR_EN.pdf.